

сўўретлер ҳам тағы басқалар бир пүтин ажыралмас бирлик болып, олар публицистикалық текст түсинигинин мазмунын қурайды.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Краткая литературная энциклопедия. Глав.ред. А. А. Сурков. – Т. 6. – М.: Советская энциклопедия, 1971. – С. 72-73.
2. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Тафаккур, 2010. – Б. 225.
3. Хозирги зомон журналистикаси. – Тошкент: Aloqashi, 2008. – Б. 56.
4. Публицистика теориясының бир пүтин концепциясы: илимий – методологиялық анализ. –Ташкент, «Mumtoz so'z». 2016.
5. Қараң: *Теун ван Дейк*. Язык. Познание. Коммуникация. М., 1989. *Fowler R.* Language in the News: Discourse and Ideology in the Press. London, 1991; *Fairclough N.* Language and Power. London, 1989; *Bell A.* The Language of News Media. Oxford, 1991; *Montgomery M.* Introduction to Language and Society. London, 1992.
6. Қараң: Бернштейн С. И. Язык радио. М., 1977; Шмелев Д. Н. Русский язык в его функциональных разновидностях. М., 1977; Костомаров В. Г. Русский язык на газетной полосе. М., 1971, Языковой вкус эпохи. М., 1994; Рождественский Ю. В. Теория риторики. М., 1997; Солганик Г. Я. Лексика газеты: функциональный аспект. М., 1981; Трескова С. И. Социоллингвистические проблемы массовой коммуникации. М., 1989; Лысакова И. П. Тип газеты и стиль публикации. СПб., 1989; Кривенко Б. В. Язык массовой коммуникации: лексико-семиотический аспект. Воронеж, 1993 Васильева А. Н. Газетно-публицистический стиль речи. М., 1982.
7. Добросклонская Т. Г. Теория и методы медиалингвистики. М., 2000; Вопросы изучения публицистических текстов. М., 2000.
8. Қараң: Тошалиев И. Публицистика тили маромларига доир. – Т.: - 56 б. 1990; Бобоева А. Газета тили ҳақида. – Т.: Фан, 1983; Тешабоева Д. «Публицистик дискурс матн асосини ташкил қилувчи концептуал тил бирлиги сифатида» // Филология масалалари. 2019. №2. 39-45-бет;

Публицистика ва публицистик матн тушунчалари ва унинг илмий тадқиқи

Резюме: Мақолада публицистика ва публицистик матн тушунчалари ўрганилган. Шунингдек публицистиканинг вазибалари, турлари, жанрлари, адабий тилдан фойдаланиш хусусиятлари ҳақидаги назарий тушунчалар ўрганилган. Публицистикага оид олимлар томонидан айтилган таърифлар ва уларнинг илмий ишлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: публицистика, публицистик матн, муаллиф, аудитория, медиа, информация.

Понятия публицистики и публицистического текста и его научные исследования

Резюме: В статье рассматривается что публицистика является особой формой творчества, ее задачи, виды, жанры и особенности использования литературного языка. Анализируются определения термин публицистика данные учеными и их научные труды.

Ключевые слова: журналистика, жанр, анализ, факт, автор, аудитория, СМИ, информация.

The concepts of journalism and journalistic text and its scientific research

Resume: The article discusses that journalism is a special form of creativity, its tasks, types, genres and features of the use of literary language. The definitions of the term journalism given by scientists and their scientific works are analyzed.

Key words: journalism, genre, analysis, fact, author, audience, media, information.

УДК: 82-83:81`322.2

НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДАГИ МАВҚЕИ

Султанова З. Ў.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Тилни ўрганишда нутқий мулоқотнинг ажралмас узви сифатида хизмат қилувчи “коммуникациянинг атрибутини” бўлган имо-ишораларни ўрганиш ҳам аҳамиятли саналади. Чунки, ҳар бир тилнинг ўзига хос бўлган, мулоқот жараёнида вербал бирликларга қўшимча воситалар – мулоқотнинг новербал воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг миллий-маданий, урфий, диний, ментал ва жинсий хусусиятларини эътиборга олиш нутқий мулоқотнинг тўғри юзага чиқишида асосий омиллардан саналади.

Нолисоний воситаларни қўлашда ҳам миллий ўзига хосликлар куп кузатилади, Жумладан, “шундай имо-ишоралар борки, улар шартли характерга эга бўлиб, миллий хусусиятлар касб этиши мумкин. Чунки у жамоа томонидан маълум маънони ифодалаш симболидир, Бошқа бир жамоада эса бу ишора ё ҳеч қандай коммуникатив вазифа бажармайди ёки бошқа маънони англатиши мумкин, Масалан, “хайр” маъносини ифодалаш учун руслар кафтини ўзидан орқага қилиб вертикал ҳолатда такрор-такрор силкитса, италян кафтини ўзига қаратиб вертикал ҳолатда силкитади [1, 120-121]. Саломлашиш жараёнида Европа халқлари бир-бирларининг ўнг қўлларини сиқадилар, Ҳиндистонда саломлашиш белгиси сифатида икки кафтини юз олдида жуфтлаштирилади, эскимослар эса саломлашиш учун бир- бирларининг бурунларини ишқалашади, Қадимги Хитойда эса гоқори табақа вакиллари учрашганда ҳар бири ўз ўнг қўли билан чап қўлини сиқади.

Таъкидлаш жоизки, “Ҳеч бир тилни “тил эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Чунки ҳар бир нутқий актда сўзловчи шахснинг изи сезилиб туради. Структур тилшуносликнинг ана шу чекланган томонини баргараф қилиш учун ҳозирги кунда антропологистика ривожлана бошлади” [2, 40].

Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бўлган лингвокультурология ва лингвоўлкашуносликнинг таркибий қисми паралингвистикадир [3, 213]. Паралингвистика нутқ алоқасини тўлдириб, изоҳлаб келувчи, ахборот узатувчи, фикр ифодалашда ёрдамчи восита бўлувчи тилшунослик соҳасидир [4,4]. Инсон фикр ифодалашда тилдан фойдаланар экан, маълум ахборотни тингловчига етказиш жараёнида тилга ёндош бўлган ёрдамчи (новербал) воситалардан фойдаланади. Новербал воситалар ҳар бир кишилик жамиятида коммуникацияда табиий равишда нутқни кузатиб борувчи ва тўлдириб келувчи иккиламчи

восита бўлган. Новербал воситалар мулоқот билан бирга фикр, хабар, мақсадни ифодалашда қатнашувчи имо-ишора, оҳанг, мимика, гавда ҳаракатлари каби воситаларни ўрганадиган соҳа ҳисобланади. Улар шароитга қараб нутқни маълум меъёрга келтириш, хусусан, ихчамлаштириш, адресантнинг мақсадини аниқ ифодалаш вазифасини бажаради.

Бирор маънони аниқроқ очиш, мақсадни ифодалаш вақтида қўпинча айтилиши лозим бўлмаган “ортиқча” тил бирликлари учрайдики, мана шу тил бирликларининг қисқариши эвазига нутқий мулоқотда шу контекст учун уларга мос, тўғри келадиган, айнан бир хил маъно англатадиган экстралингвистик воситалар киритилиши лозим бўлади. Коммуникацияга тегишли зарур талаб натижасида нутқий ифодалар ортиқчалигини камайтиришни шу даражага олиб бориш мумкинки, бунда мулоқотни мана шу воситаларсиз давом эттиришнинг иложи бўлмай қолади, ана шу шароитда экстралингвистик воситалар тил бирликларига қараганда бошқачароқ йўналишда бу ифодаларнинг ўрнини тўлдирди [5, 105].

Л.С.Выготский нутқ санъатини эгаллашнинг бошланғич босқичида имо-ишора ва тилнинг мураккаб аралашиб кетиши ибтидоий одамларда имо-ишораларни тасвирловчи ҳамда ифодаловчи жуда кўп сўзларнинг мавжудлиги билан изоҳлайди. Ибтидоий одамнинг тили, аслини олганда, икки хил тилдир: биринчи томондан, сўз тили, иккинчи томондан, имо-ишора тили. Ибтидоий одамлар тили предмет образларини ифодалайди, бу образларни улар ўз кўзи ва қулоғи билан қандай тасаввур этса, шундай ифодалаганлар. Ҳар бир жумла мураккаб шаклда бўлиб, унда имо-ишора, товушлар бирлашган [6, 93-95]. Аммо мазкур фикрлардан коммуникацияда новербал воситалар вербал воситаларга нисбатан олдинроқ қўлланилган, деб бўлмайди. Новербал воситалар ҳамма вақт товуш тилига эга бўлган кишилар учун иккинчи даражали вазифа бажаради. Бу воситалар кўрсатиш, экспрессив характерда бўлиши мумкин, аммо ўзича тушунчаларни номлай ва ифодалай олмайди. Фақат шундай функцияга эга бўлган сўз тилини кузатиб боради [7, 367]. Ҳақиқатан ҳам, тарих товуш тилига эга бўлмаган бирорта ҳам кишилик жамиятининг, ҳатто энг қолоқ кишилик жамиятининг бўлганини билмайди. Товуш тили инсоният тарихида кишиларнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишига, жамият бўлиб бирлашишига, ўз тафаккурини такомиллаштиришига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишига, табиат кучлари билан мувафакқиятли кураш олиб боришига ва шу тариқа ҳозирги замон тараққиёт даражасига етишига ёрдам берган кучлардан биридир. Новербал воситалар эса доимо нутқ билан биргаликда қўлланиб, унга ёрдам берувчи иккинчи даражали восита бўлиб келган. Чунки фикр ўзининг маълум моддий асосига (қиефасига) эга бўлиши керак. Ана шу моддий асос (қиефа) нутқдир. Нутқ фақат фикр ифодаловчи воситагина эмас, балки фикрни шакллантирувчи восита ҳамдир [8, 218]. Мулоқот кўп ҳолларда вербал, яъни сўз, лисоний воситалар орқали ва новербал, сўзсиз – новербал (имо-ишора, ҳар хил белги, нишона, рамз, символлар) восита орқали ахборот бериш билан боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсирига кўра вербал ва новербал мулоқот сифатида тасниф қилинади. Новербал воситаларнинг алоқа-аралашувда ишлатилиши тилнинг ривожланиш жараёнида ўзига хос омил саналади. Гарчи новербал воситалар фикр ифодалашда қатнашса-да, улар тил структурасига кирмайди, чунки алоқа-аралашувнинг новербал воситалари тилдан ташқаридаги, унга ёндош ҳолат бўлиб тил системаси эса ички бакторлар асосида ривожланади. Тил системаси ҳамиша ҳар қандай фикр мазмунини, ҳис-ҳаяжонларни ва бошқа ички туйғуларни ифодалаш қудратига эга [9, 7]. Лекин, шунга қарамай, алоқа-аралашувда инсон беихтиёр новербал воситалардан фойдаланади. Чунки нутқ жараёни, диалогик вазият ва сўзлашувчиларнинг психологик ҳолати фикр ифодалашда имо-ишорадан, товуш ўзгаришларидан, бадан ҳаракатларидан фойдаланишни тақозо этади.

Нутқий мулоқот деганда, мулоқот жараёнида вербал ва новербал воситаларнинг ҳамкорликда ишлатилиши тушунилади. Бу нутқий мулоқотнинг биринчи ўзига хослигидир [10, 22]. Масалан, “*Ассалому алайкум*” лисоний воситаси қуйидаги кинетик воситалар: икки қўлни кўксига қўйиш, бошни қуйи солиш, қоматини бироз эгиш каби ҳаракатлар билан ҳамроҳликда воқеланади. Шундай қилиб, нутқий мулоқотни оддий нутқдан – лисоний имкониятларнинг муайян моддий шаклда воқеланишидан – фарқловчи муҳим омил сифатида мураккаблигини ва унинг вербал ҳамда новербал воситаларнинг ўзаро уйғунлашувидан иборат бўлган бутунлик эканлигини кўрсатиш мумкин [11, 42]. Дарҳақиқат, новербал воситалар нутқий мулоқотнинг муҳим бир қисми ҳисобланиб, улар нутқий жараёнда турли эҳтиёжлар сабабли юзага чиқади ва нутқий мулоқотда маълум вазифани бажаради.

Ахборот узатишнинг мутлақо мустақил канали сифатида ҳис-туйғулар тили нафақат сўз билан параллел равишда, балки унсиз ҳолда – хитоб, йиғлаш, қаҳқаҳа шаклида ҳам ишлатилиши мумкин. Улар ҳис-туйғулар тилининг юз мушакларининг ҳаракати (юз ифодалари), бош, оёқ ва тананинг ҳаракатлари (пантомимика)ни ўз ичига олган таъсирчан ҳаракатлардир. Тажрибали ҳис-туйғулар эркин ва баъзан инсоннинг иродасига қарши, юз ифодаларида ва пантомимикада автоматик равишда акс эттирилади ҳамда инсоннинг ҳолатини кўрсатади. Ваҳоланки, “одамлар суҳбат жараёнида ўзлари айтмоқчи бўлган фикрнинг 7 фоизинигина сўз орқали, қолган 38 фоизини оҳанг ва 55 фоизини имо-ишора орқали баён этар эканлар” [12, 117]. Шундай қилиб, ҳис-туйғулар тили нафақат ўз ҳис-туйғуларини ифода этишга, балки бошқаларнинг ҳиссий тажрибаларини ҳам тушунишга имкон беради. Ҳар бир тилда мулоқот ўзига хос миллий хусусиятларга эгаллиги сабабли, чет тилида мукаммал сўзлаш учун, фақат тил хусусиятлари – фонетик, лексик, грамматик жиҳатларини нутқда тўғри талқин қилиш билан чегараланмай, шу халққа хос миллий нутқ этикетини ҳам билиш талаб этилади. Муомала жараёни фақат нутқнинг мазмуни билан чегараланмайди, баъзан ахборотнинг жуда кўп қисми суҳбатдошларнинг миллий этикетларига хос бўлган лисоний воситалар ва нолисоний воситалар, шунингдек, миллий-маданий алоқа воситалари билан берилади [13, 50].

Нутқий мулоқотнинг новербал воситалари – юз ифодалари, имо-ишоралар, кўз билан алоқа қилиш, интонация – қаерда ва ким билан мулоқот қилишимиздан қатъий назар умумбашарийдир. Аммо ҳар бир мамлакат маданияти ўз қонунларига кўра ривожланади ва ҳар бир мамлакат новербал мулоқотнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Бу хусусиятларни билиш ҳар бир кишига “хорижий ҳудуд” [14] бўйича суҳбатдош билан мулоқотни самарали йўлга қўйишга ёрдам беради. Маълумки, ҳар қандай халқнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, диний эътиқоди, борлиқ олам ҳақидаги қарашлари унинг тилида унга ёндош бўлган новербал воситаларда намоён бўлади. Чунки ҳар бир халқнинг тили сингари халқ вакиллари мулоқотига хос бўлган паралингвистик воситалар ҳам маълум маънода унинг ўзлигини акс эттиради.

Миллий характердаги новербал воситалар маълум халқ, миллат ёки элатлар алоқа-аралашувида ишлатилувчи ишоралар саналиб, ишлатилиш кўламининг чегараланганлиги билан характерланади. Бундай новербал воситалар миллий хусусиятларни ўзида гавдалантиради, урф-одатлар, ритуал ва адаб хатти-ҳаракатлари билан алоқадор бўлади, ижтимоий характер касб этиб, ҳар бир миллатда муайян урф-одатлар, лингвомаданий хислатлар асосида ҳар хилликни юзага келтиради. Шунинг учун ҳар қандай тилда мавжуд бўлган новербал воситаларни лингвомаданий жиҳатдан яхлитликда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Қўл бериб кўришиш ҳам турли миллат ва маданиятларда турлича амалга оширилади. Шимолий Европа аҳолиси қўл бериб кўришганда бир-бирларининг қўлларини жуда қисқа муддат қиспишади ва дарҳол қўйиб юборишади. Жанубий Европа, Марказий ва Жанубий Америкада эса узоқ муддат қўл сиқишиш одатий ҳолдир. Ҳаттоки қўл бериб кўришиш асосида чап қўл билан суҳбатдошнинг қўлини ёки билагини ушлаш ҳам кўп учрайди. Африка давлатларида одатда қўл учида енгил кўришилади [15, 105]. Хитойлар бегоналар билан фақат расмий даражада ўзаро алоқа қилишда қўл бериб кўришишдан фойдаланишади. Улар суҳбатдошига ўз ҳурматини билдириш мақсадида, икки қўллаб кўришиб, узоқ вақт силкитиши мумкин. Яқин ва бир-бирини яхши биладиган одамлар билан мулоқот қилишда қўл бериб кўришиш эмас, балки елка қоқиб, кучоқлаб кўришиш кенг тарқалган. Яқин Шарқда қўл бериб саломлашиш жуда кенг тарқалган. Арабларда ҳам қўл бериб кўришишдан ташқари пешонасига қўл кафти билан тегиб, сал таъзим қилишади. Кекса киши суҳбатдошига ўз ҳурматини кўрсатиб, қўл силтагач, аввал кафтини ўпади ва пешонасига теккизади. Агар араб эркаклар узоқ вақт бир-бирларини кўрмаган бўлсалар, учрашганларида елкаларини кучоқлаб, ўпадилар. Улар бир-бирини кучоқлашиб, узоқ вақт туриб қолишса, бу узоқ ажралишдан сўнг кўришганлик, яқинлик ва қувонч маъноларини ифодалайди.

Ўзбеклар бирон нарсадан ҳайратланиб, қойил қолиб, “зўр!” демоқчи бўлишса, кўпинча, “Ўўў!” ҳис-ҳаяжонли воситаси орқали ифодалашади, немислар эса бунини ўзига хос интонация билан “Уи!” (Ui!) дейишади. Немислар сўзловчига айтиб ўтилган бирор бир воқеа ёки ҳодисадан жуда ҳам афсусда эканлигини изҳор этиб, “Оје!” (Ўйе!) деса, бу ҳолат ўзбеклардаги бироз чўзиб айтилган “Воой” га тўғри келади. Немислар “Диккат!”, “Хушёр бўлинг!”, “Эшитсангиз-чи!”, “Нима гап ўзи?”, “Бир дақиқа!” деган сўзлардан олдин “Неу!” (Хей!) деб мурожаат қилишади, бу ҳолат ўзбекларда ҳам “Ҳой” ёки “Эй” тарзида ифодаланади [16, 130]. Ўзбекларда қўл бериб кўришиш қисқа бўлади. Лекин қатъий ва ғайратли қўл сиқиш енгил ва юмшоқ қўл сиқишдан афзал ҳисобланади. Алоҳида ҳурмат белгиси сифатида икки қўл билан кўришилади. Масалан, — *Дасташа гир, — деди Раҳим. Шариф билан Қобилга икки қўлини чўзиб, улар иккиси ҳам илжайган қўйи қўлларини бердилар (А.Қодирий).* Икки қўллаб кўришиш Шимолий Америка мамлакатларида агрессия ва устунлик белгисидир. Яна бир маданиятимизга хос жиҳат шуки, ёши ёки мавқеи юқорироқ шахс кўришиш учун қўл узатмаса, бошқа тараф қўл узатмайди. Худди шундай ҳолат шарқ халқларида аёллар билан кўришишда ҳам ўзига хослик касб этиб, аёллар қўл узатмаса, кўришилмайди.

НOVERбал воситалардан фойдаланишда маданиятлараро фарқланишлар мавжуд бўлиши билан биргаликда, уларнинг ҳамма маданиятларда бир хил тушуниладиган турлари ҳам мавжуд. Бутун дунёда одамлар хурсандчиликдан куладилар ва ғазабланганда, хўмрайдилар. Масалан, саломлашишнинг қуйидаги кўринишлари ҳамма маданиятларда учрайди: бир-бирига яқин келиш ва кўзига тўғри қараш; қошларнинг кўтарилиши: табассум; кўзлар алоқаси; бир-бирига озгина тегиш; очик қўлни намоёйиш этиш; бош ҳаракати ёки таъзим қилган каби бошни эгиш. Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, паралингвистик воситаларни ўрганишда лингвокультурологик ёндашув долзарблик касб этади. Коммуникантлар маълум тилни тўла билган бўлсалар-да, миллий маданиятларидан, урф-одатларидан, миллий шаклланган ҳолатлардан беҳабар бўлсалар, улар бир-бирларини тўлиқ тушуниб етолмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ новербал воситаларини алоҳида-алоҳида ўрганиш халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланишига катта ёрдам беради ва шахсларда новербал воситалар маданиятнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, турли новербал воситаларнинг нутқий мулоқотдаги иштироки шунчаки бўлмай, аввало нутқий вазиятга, суҳбат кўламига, вербал ифоданинг мазмунига, мавзусига мувофиқ келиши, мос бўлиши шарт. Яъни маълум шахсга хос, бироқ маъно англатмайдиган, коммуникация жараёнида беихтиёр равишда қўлланиладиган кинетик ҳаракатларни новербал воситалардан фарқлаш зарур.

Агар тилдаги системаликни новербал воситаларга қиёс қилсак, новербал воситалар ҳеч қачон системани ташкил етолмайди [17, 71]. Таъкидлаш жоизки, нутқий мулоқотни амалга оширишда вербал бирликлар базис, асос вазифасини бажаради. Лекин новербал бирликлар мулоқот жараёнининг жонлилигини, эмоционаллилигини таъминлаган ҳолда, коммуникантларнинг мулоқот жараёнидаги руҳий ҳолати, дунёқарashi, ижтимоий мансублиги, маданияти ва маънавияти каби хусусиятлари ҳақида маълумот ташувчи устқурма вазифасини бажаради ва нутқнинг тушунарли бўлишида ҳамда мақсад қилинган маънонинг тўла намоён бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам фикр ифодалашда вербал воситага ёрдамчи восита сифатида турли

қўшимча невербал воситалар нуткий мулоқотни амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди. Чунки нутқ жараёни, диалогик вазият ва сўзлашувчиларнинг психологик ҳолати, фикр ифодалашда имо-ишорадан, товуш ўзгаришларидан, тана ҳаракатларидан фойдаланишни такозо этади. Шу жиҳатдан, невербал воситалар нуткий мулоқотнинг ажралмас бир қисми сифатида лисоний бирликлар системасига ёндош бўлган алоҳида системани ташкил этади. Жумладан, профессор Ш.Сафаров ва Г.Тоировалар ҳам “нуткий мулоқотда самарадорликка эришиш учун адресант ва адресат ўртасида тил, яъни, лисоний (вербал) умумийликдан ташқари мулоқотнинг нолисоний (невербал) воситаларидан фойдаланишида ҳам умумийлик бўлиши лозим” [10, 29]лигини таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, невербал воситалар вербал восита билан боғлиқ ҳолда текширилгани учун ҳам бевосита тилшуносликнинг ўрганиш объекти саналади.

Тил инсон фикрини ифодалашнинг асосий ва табиий шакли ҳисобланади. Шу маънода, у фикр ифодалашнинг ягона ва етарли воситасидир [18, 3]. Бироқ, бу алоқа жараёни муайян алоқа ҳолатидан ажралиб туришини англатмайди. Мулоқот иштирокчилари учун сўзловчининг овози ва унинг имо-ишоралари, юз ифодалари, сўзлашув жараёнида қўлланиладиган сўз бирикмаси ҳам муҳимдир. Ушбу воситалар билан ифодаланган ҳиссий маълумотлар интеллектуал жиҳатдан қўшимча бўлиб, ҳар қандай алоқа жараёнининг мажбурий элементини ифодалайди, кўпинча бу жараёни аниқлайди. Шунингдек, инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири муайян ҳиссий бўёққа эга бўлиб, мулоқот жараёнида коммуникантларнинг ҳис-туйғулари табиий равишда намоён бўлади. Нутқ сўзлаш билан бирга келган бу ҳиссий муносабат ахборот алмашишнинг оғзаки бўлмаган жиҳатини – невербал мулоқотни шакллантиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Сухарев В. А. Этника и психология делового человека, с. 120-121-бетлар
2. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. III жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 40.
3. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 213.
4. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 4.
5. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993. – Б. 105.
6. Выготский Л.С., Лурия А.Р. Этюды по истории поведения. – Москва, 1993. – С. 93-95.
7. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – Москва: Аспект Пресс, 1996. – С. 367.
8. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 218.
9. В.Г.Колшанский. Паралингвистика. Москва: Наука, 1974, 7-бет.
10. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд, 2007. – Б. 22.
11. Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 42.
12. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – Москва, 1989. – С. 117.
13. Кахаров Қ. Ўзбек ва немис нутқий этикетларининг қиёсий тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Андижон, 2020. – Б. 50.
14. <https://orator.biz/library/oratorical/osobennosti-verbalnogo-obshcheniya-v-raznykh-stranakh/>
15. Юнусов Қ., Саттибаев И. Танамиз тилга кирганда. – Тошкент: Истиқлол нури, 2016. – Б. 105.
16. Каранг: Кахаров Қ. Ўзбек ва немис нутқий этикетларининг қиёсий тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Андижон, 2020. – Б. 130.
17. Николаева Г.М., Успенский Б.А. Языкознание и паралингвистика // Лингвистические исследования по общей и славянской типологии. – Москва, 1966. – С. 71.
18. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: ЛЕНАНД, 2017. – С. 3.

Невербал воситаларнинг маданиятлараро мулоқотдаги мавқеи

Аннотация: Мазкур мақолада невербал воситалар нуткий мулоқотнинг муҳим бир қисми ҳисобланиши, улар нутқий жараёнда турли эҳтиёжлар сабабли юзага чиқиши ва нутқий мулоқотда маълум вазифани бажаришининг маданиятлараро мулоқотдаги ўрганилиш ҳолати очиб берилган.

Калит сўзлар: нуткий мулоқот, саломлашиш, невербал воситалар, ахборот алмашиш, нутқий жараён.

Роль невербальных средств в межкультурной коммуникации

Аннотация: В данной статье невербальные средства рассматриваются как важная часть речевого общения, они возникают в связи с различными потребностями в речевом процессе, раскрывается ситуация обучения в межкультурном общении.

Ключевые слова: речевое общение, приветствие, невербальные средства, обмен информацией, речевой процесс.

The role of non-verbal means in intercultural communication

Annotation: In this article, non-verbal means are considered as an important part of speech communication, they arise in connection with various needs in the speech process, the situation of learning in intercultural communication is revealed.

Keywords: speech communication, greeting, non-verbal means, information exchange, speech process.

ПУБЛИЦИСТИКАЛЫҚ ДИСКУРСТА ЖӘМИЙЕТЛИК-СИЯСИЙ ЛЕКСИКАНЫҢ ОРНЫ

Арепбаева Н.М.

Қарақалтақ мамлекетлик университети

Жәмийетлик, экономикалық хәм сиясий турмыстағы болып атырған түпкиликли өзгерислер, пүткил дүньяда ғалаба хабар куралларының искерлигининң кеңейиўи шараятында тилдиң жәмийетлик-сиясий лексикалық қатламын үйрениў аҳмийетли мәселе болып табылады. Лексикология тил системасының ең өзгериўшең қатламы болып, мәмлекеттиң социаллық турмысының түрли тараўларында қаншелли күшли жаңаланыўлар болса, оның қәлипlesiўиниң ҳәр бир басқышында сөзлик қатлам соншелли дәрежеде өзгерип